

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12. 2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБИДОВ ХАСАНХОДЖА АЛИШЕРОВИЧ

**БОЛАЛАРДА АТОПИК ДЕРМАТИТДА Д ВИТАМИНИНИНГ
МИҚДОРИ ВА ИММУНОЛОГИК ОМИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ
АСОСИДА КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.11 - Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Абидов Хасанходжа Алишерович

Болаларда атопик дерматитда Д витаминининг миқдори ва иммунологик омилларни ўрганиш асосида комплекс даволашни такомиллаштириш 3

Абидов Хасанходжа Алишерович

Оптимизация комплексной терапии атопического дерматита у детей на основе изучения уровня витамина Д и иммунологических факторов 27

Abidov Khasankhdoja Alisherovich

Optimization of the complex therapy of atopic dermatitis in children based on the study of vitamin D levels and immunological factors..... 50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12. 2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБИДОВ ХАСАНХОДЖА АЛИШЕРОВИЧ

**БОЛАЛАРДА АТОПИК ДЕРМАТИТДА Д ВИТАМИНИНИНГ
МИҚДОРИ ВА ИММУНОЛОГИК ОМИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ
АСОСИДА КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.11 - Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib2748 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг вебсаҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хайтов Кахрамон Нажмитдинович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Сидиков Акмал Абдикахарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Камалов Зайнитдин Сайфутдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А. Шамансурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда атопик дерматит (АтД) касаллигининг болалар орасида ўсишининг давом этиши ХХІ – асрнинг глобал миқёсидаги муаммоси бўлиб ҳисобланади. Жаҳон аллергия ташкилоти (ЖАТ) маълумотларига кўра «...АтД билан дунёда болаларнинг 20% гача ва катталарнинг 3% гача аҳолиси азият чекади, сўнгги маълумотлар шуни кўрсатадики, унинг тарқалиши, айниқса ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси орасида ҳали ҳам ўсиб бормоқда...»¹. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...сўнгги йилларда терининг аллергия касалликлари билан касалланиш ҳолатлари сони сезиларли даражада ошиб бормоқда...»². Болалар орасида атопик дерматитли беморлар сонининг ортиб бориши, касалликнинг клиник, дерматологик ва иммунологик хусусиятларини ўрганиш орқали терапевтик усулларнинг самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда болаларда АтДнинг клиник, дерматологик ва иммунологик хусусиятларини оптималлаштириш, шунингдек, самарали даволаш схемаларини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотларга эътибор қаратилмоқда. Бу борада ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида АтДнинг ривожланишида эпидермал тўсиқ ва иммун тизимидаги нуқсонлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Д витамини яллиғланишга қарши таъсирга эгаллиги ва яллиғланишга ҳос цитокинлар миқдорини пасайишига олиб келишини эътиборга олган ҳолда, Д витаминининг АтД кечишига таъсирини ўрганиш, самарали даволаш схемасини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларда «...аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг сифатини яхшилаш, тиббиёт ходимларини қўллаб-қувватлаш ва фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда...»³. Бу борада болаларда АтД касаллигининг клиник-патогенетик ва дерматоскопик хусусиятларини ўрганиш ва беморларни самарали даволаш ҳамда профилактик усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2021 йил 6 майдаги ПФ-6221-сон «Соғлиқни сақлаш

¹ Torres Jaen, M. J. (2021). *Drug Allergies*. World Allergy organization. <https://www.worldallergy.org/education-and-programs/education/allergic-disease-resource-center/professionals/drug-allergies>

² <http://www.who.int/meiacentre>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

тизимда олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги, 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, Европа, Осиё ва Америка олимлари томонидан АтДда Д витамини етишмовчилиги масалалари ўрганилган, касалликни оғир кечишининг прогностик белгилари аниқланган. Бироқ, АтД кечишида Д витаминининг аҳамиятини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар сони кам ва улардан олинган натижалар қарама-қарши характерга эга бўлиб қолмоқда. АтД билан ҳасталанган болаларда касалликнинг енгил шаклида ўрта оғир ва оғир шакли бўлганларга нисбатан 25(OH)D миқдори юқорирок эканлигини аниқланган (Regoni D.G. ва ҳаммуал., 2011), бошқа шунга ўхшаш тақиқотда беморларда Д витамини миқдорида статистик фарқ қайд этилмаган (Chiu Y.E. ва ҳаммуал., 2013), Д витаминини қабул қилган беморлар гуруҳида 2 ой назоратдан сўнг АтДнинг дастлабки оғирлик даражасидан қатъи назар теридаги патологик жараеннинг сезиларли яхшиланиши аниқланган (Amestejani M. ва ҳаммуал., 2012), Д витаминининг етишмовчилиги бўлган инсонларда бурун ва томоқда метициллинга чидамли *S. aureus* (MRSA) билан касалланиш хавфи сезиларли даражада ошиши қайд этилган (Matheson E.M. ва ҳаммуал., 2010).

МДХ давлатлари олимлари томонидан АтД ривожлантиришда маҳаллий иммун ва тўсиқ дисфункциялар (Мингалиев Р.А, Кудрявцева А.В., 2017), тананинг турли биотоплари микроблар билан колонизация бўлиши (Батиршина С.В. ва ҳаммуал., 2013), тери тўсиғининг бузилиши бактериал ва замбуруғлар микрофлорасининг ўсиши (Смирнова Г.И., 2019), иммун тизимидаги бузилишларнинг роли (Круглова Л.С., 2019), антимикроб пептидларнинг экспрессиясида Д витаминининг ўрни (Абатуров А.Е., 2012), иммунопатологик жараёнларни тартибга солишда TLR ва цитокинлар миқдори ҳамда АтДнинг оғирлик даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги (Ганковская Л.В., Намазова-Баранова Л.С., 2019) ҳамда 1,25(OH)2D3 ва ИЛ-2 фаоллаштирилган Т-лимфоцитларга бевосита синергик таъсирни кўрсатиши (Квашнина, Л.В., 2013) аниқланган.

Ўзбекистон олимлари АтДни клиник кечишини тери микробиотасининг морфофизиологик хусусиятлари (Мавлянова Ш.З., Есионова Е.В., 2014), асаб тизимидаги бузилишлар (Шодиев Х.К. ва ҳаммуал., 2008), ирсий хусусиятлари (Маннанов А.М., 2017), иммунологик ўзгаришлар (Хайтов К.Н., 2001), ошқозон-ичак трактининг овқатни ҳазм қилиш ва сўрилиш фаолияти

(Юлдашев М.А., 2007) нуқтаи назаридан ўрганган. Тўқима антигенларига қарши антиген билан боғланган лимфоцитларни аниқлаш усули орқали ички аъзоларнинг патологик жараёнга жалб қилиниши, полиорган шикастланишлар аниқланган (Юлдашев М.А., 2007). Экспериментал тадқиқотлар орқали болаларда туғилгандан кейинги ингичка ичакнинг иммун тизими ва тузилмавий-функционал номукамаллиги, эндоген ва патоген ичак микрофлораси вакиллариининг иммуноген ва морфоген фарқи аниқланган (Юлдашев А.Ю., 2007). Бироқ, тадқиқот маълумотлари тўлиқ бўлмай, уларнинг натижалари қарама-қаршиликларга эга. Ушбу бузилишларни тўғрилашга йўналтирилган даволаш усуллариининг самараси эса паст эканлиги аниқланган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Д витамини миқдори ва иммунологик омилларни ўрганиш асосида АтД клиник кечишининг хусусиятларини ўрганиш эрта ташхислаш, касалликнинг оғирлик даражасини аниқлаш, даволашнинг янги самарали усуллариини ишлаб чиқишни таъминлайди. Юқоридаги муаммолар мазкур масалани батафсил ўрганишни талаб қилади ва диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 01980006703-сон «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларни диагностикаси, даволаш ва профилактика усуллариини такомиллаштириш» (2019-2022 йиллар) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади атопик дерматит билан хасталанган болаларда касалликнинг клиник кечиши, Д витамини миқдори ва иммунологик омилларни ҳисобга олган ҳолда даволаш усулини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

атопик дерматит билан хасталанган болаларда Д витамини (25(OH)D) миқдорини баҳолаш;

Д витамини миқдорини ҳисобга олган ҳолда болаларда атопик дерматит касаллигининг турли клиник шакллари клиник кечишини баҳолаш;

Д витамини миқдорини ҳисобга олган ҳолда болаларда яллиғланишга ҳос (ИЛ-1 β , ИЛ-2, ИЛ-6, ИЛ-8, INF- γ), яллиғланишга қарши (ИЛ-4, ИЛ-10) цитокинлар ва иммунологик кўрсаткичларнинг (IgA, IgE, IgM, C1Cs, CD3, CD4, CD8) миқдорини баҳолаш;

атопик дерматит билан хасталанган бемор болаларда Д витамини миқдорини эътиборга олган ҳолда касалликни такомиллаштирилган комплекс даволаш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019-2022 йиллар давомида Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг болалар дерматологияси бўлимида даводаланаётган, атопик дерматитнинг турли клиник шакллари билан хасталанган 126 нафар бемор болалар ва 20 нафар соғлом болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида периферик қон ва қон зардоби олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, иммунологик, дерматоскопик ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

АтДнинг эритематоз-сквамоз лихенификацияга мойил, лихеноид, пруригиноз клиник шакллари билан ҳасталанган, дерматознинг ўсмирлик давридаги болаларда Д витаминининг яққол ифодаланган етишмовчилиги ва танқислиги (25(ОН)Днинг миқдори мос равишда 22,5 нг/мл ва 17,8 нг/мл) кузатилиши исботланган;

АтД билан ҳасталанган беморларнинг қон зардобидида аниқланган 25(ОН)Д нинг етишмовчилиги ва танқислиги натижасида касалликнинг эритематоз-сквамоз клиник шакли (70,6%) устунлиги билан мос равишда 73% ва 14,3% ҳолларда дерматознинг ўрта оғир ва оғир шакллари ривожланиши исботланган;

АтД, айниқса, касалликнинг оғир шакли билан ҳасталанаган беморларда Д витамини миқдорининг пасайиши фонидида ИЛ-6 ва ИЛ-8 нинг устунлиги билан (мос равишда $193,3 \pm 4,9$ ва $196,4 \pm 4,7$) цитокинларнинг (ИЛ-1 β , ИЛ-2, ИЛ-4, ИЛ-6, ИЛ-8, ИЛ-10, INF γ) юқори миқдори қайд этилиб, 25(ОН)Д концентрацияси, иммун-цитокин кўрсаткичлари ва касалликнинг клиник кечишининг оғирлиги ўртасидаги қарамлик мавжудлиги исботланган;

АтД билан ҳасталанган беморларда 25(ОН)Д миқдорининг пасайиши фонидида холекальциферол ёрдамида комплекс терапияси беморларнинг 56,9% да клиник ремиссия ва 21,2% да сезиларли яхшиланиш қайд этилгани билан ифодаланган юқори терапевтик самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

АтДнинг эритематоз-сквамоз лихенификацияга мойил, лихеноид, пруригиноз клиник шакллари билан ҳасталанган ва дерматознинг ўсмирлик давридаги болаларда Д витаминининг яққол ифодаланган етишмовчилиги ва танқислиги мавжудлиги асосланган;

АтД билан ҳасталанган беморларнинг қон зардобидида аниқланган 25(ОН)Д нинг етишмовчилиги ва танқислиги натижасида касалликнинг эритематоз-сквамоз шакли устунлиги билан дерматознинг ўрта оғир ва оғир шакллари ривожланиши асосланган;

АтДда 25(ОН)Д концентрацияси, иммун-цитокин кўрсаткичлари ва касаллик клиник кечишининг оғирлиги ўртасидаги қарамликнинг мавжудлиги касалликнинг оғир шакли билан ҳасталанаган беморларда Д витамини миқдорининг пасайиши фонидида ИЛ-6 ва ИЛ-8 нинг устунлиги билан цитокинларнинг юқори миқдори қайд этилиши орқали асосланган;

АтД билан ҳасталанган беморларда 25(ОН)Д миқдорининг пасайиши фонидида холекальциферол ёрдамида комплекс терапиясини қўллаш беморларнинг асосий қисмида сезиларли яхшиланиш қайд этилгани билан ифодаланган юқори терапевтик самарадорлик орқали асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган замонавий ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти АтДнинг эритематоз-сквамоз лихенификацияга мойил, лихеноид, пруригиноз шакллари билан ҳасталанган ва дерматознинг ўсмирлик давридаги болаларда Д витаминининг яққол ифодаланган етишмовчилиги ва танқислиги аниқланиши, АтД билан ҳасталанган беморларнинг қон зардобидида аниқланган 25(ОН)D нинг етишмовчилиги ва танқислиги натижасида касалликнинг эритроматоз-сквамоз шакли устунлиги билан дерматознинг ўрта оғир ва оғир шакллари ривожланиши эрта ташҳислаш ва ташҳисни такомиллаштириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти АтДа 25(ОН)D концентрацияси, иммун-цитокин кўрсаткичлари ва касаллик клиник кечишининг оғирлиги ўртасидаги қарамликнинг мавжудлиги касалликнинг оғир шакли билан ҳасталанаган беморларда Д витамини миқдорининг пасайиши фонидида ИЛ-6 ва ИЛ-8 нинг устунлиги билан цитокинларнинг юқори миқдори қайд этилиши, АтД билан ҳасталанган беморларни 25(ОН)D миқдорининг пасайиши фонидида холекальциферол ёрдамида комплекс терапияси беморларнинг 56,9% да клиник ремиссия ва 21,2% да сезиларли яхшиланишнинг қайд этилиши даволаш самарадорлигини ошишига имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий килиниши. Болаларда атопик дерматит касаллигида Д витамини миқдори ва иммунологик омилларни эътиборга олган ҳолда даволаш усуллари такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болаларда атопик дерматитда Д витамини миқдори ва иммунологик кўрсаткичларни эътиборга олган ҳолда ташҳислаш ва даволашнинг оптималлаштириш асосида ишлаб чиқилган «Болаларда атопик дерматитни ташҳислаш ва холекальциферол (витамин Д)ни қўллаган ҳолда даволашнинг замонавий усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 9 августдаги 8н-з/410-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома болаларда атопик дерматитни Д витамини етишмовчилиги ҳолати, иммунологик омиллар таъсирида клиник кечишини башоратлаш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

атопик дерматит билан ҳасталанган болаларда Д витамини етишмовчилиги ҳолатида касалликни кечишини башоратлаш ва даволаш усуллари такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар 2- ва 3-сон туманлараро тери-

таносил касалликлари диспансерларининг клиник амалиётига жорий қилинган (Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2023 йил 23 февралдаги 02/372-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий қилиниши атопик дерматит билан касалланган болаларда ҳаёт сифатини яхшилаш, амбулатор ҳамда стационар шароитда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 6 та республика, 2 та хорижий ва 1 та Scopus журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурати, текширувнинг мақсади, объекти ва предмети, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, унинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти кўрсатилган, олинган текширув натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти ва тадбиқ қилиниши, натижаларни чоп қилиниши ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Болаларда атопик дерматит муаммосига замонавий ёндашув (адабиёт шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида болаларда атопик дерматитнинг эпидемиологияси, клиникаси, диагностикаси ва даволаш масалалари ҳақида мамлакатимиз ва хорижий нашрлардаги сўнгги 5-10 йиллик адабиётлар шарҳи берилган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ҳамда умумклиник, биокимёвий, иммунологик ва статистик текширув усуллари батафсил ёритилган.

Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг дерматология бўлимида стационар даволанган атопик дерматитнинг турли шакллари билан касалланган 126 нафар беморлар ва 20 нафар соғлом болалар (таққослаш гуруҳи сифатида) 2019-2022 йиллар давомида комплекс текширувдан ўтказилди.

Умумий гуруҳда беморларнинг жинси бўйича тақсимланиши бўйича таҳлил атопик дерматит билан ҳасталанган 126 бемордан 64 нафари ўғил

(50,8%) ва 62 нафари қиз (49,2%) бўлиб, уларнинг ўртача ёши $6,2 \pm 0,4$ ёшни, ўғил болаларда – $4,66 \pm 0,5$ ёшни, қизларда – $8,01 \pm 0,7$ ёшни ташкил этганини кўрсатди.

Скрининг босқичида қон зардобиди Д витамини миқдорининг пасайиши фониди дерматоз кечишининг хусусиятларини аниқлаш мақсадида унинг қон зардобидидаги миқдори бўйича тадқиқот ўтказилиб, унинг натижаларига кўра дастлаб беморлар 3 гуруҳга бўлинган. I гуруҳни ($n=18$) АтДнинг оғир шакли, II гуруҳни ($n=95$) АтДнинг ўрта оғир шакли ва III гуруҳни ($n=13$) АтДнинг енгил шакли билан ҳасталанган беморлар ташкил этган. Гуруҳларнинг ҳар бирида SCORAD ва БҲСДИ индекслари орқали касалликнинг клиник кечиши, Д витамини (25(OH)D) миқдори, иммунологик кўрсаткичлар ўрганилган.

АтД билан касалланган болаларда ўтказиладиган даво чораларидан келиб чиққан ҳолда беморлар тегишли ёши ва касалликнинг оғирлик даражасига эга бўлган 2 та репрезентатив гуруҳларга ажратилди: асосий гуруҳ (АГ) 81 та бемордан ва назорат гуруҳи (НГ) 45 бемордан иборат.

Биринчи гуруҳ - назорат гуруҳи (НГ) анъанавий даво қўлланилган 45 нафар бемордан иборат бўлиб, уларга даволаш комплексидаги антигистамин (томчи шаклидаги дезлоратадин) дори воситаси куйидаги дозада буюрилган: 6 ойдан 11 ойгача - кунига 2 мл дан; 1 ёшдан 5 ёшгача - кунига 2,5 мл дан; 6 ёшдан 11 ёшгача - кунига 5 мл дан; 12 ёш ва ундан катталарга - кунига 10 мл дан. Шунингдек, ушбу гуруҳнинг анъанавий даво чораларига беморларнинг дермографизм натижаларидан келиб чиққан ҳолда гипосенсибилизацияловчи дори воситалари – кальций глюконат таблетка шаклидан 500 мг дан (қизил дермографизм): бир ёшгача бўлган болаларга - кунига 1 таблеткадан; 2 ёшдан 4 ёшгача - кунига 2 таблеткадан; 4 ёшдан 7 ёшгача - 3 таблеткадан; буюрилган. кунига ва 7 ёш ва ундан катталарга - кунига 4 таблеткадан овқатдан бир соат олдин (ёки калций глюконатнинг 10% эритмаси: 6 ойгача бўлган болаларга - 0,1-1,0 мл дан; 7-12 ойлигида - 1-1,5 мл дан; 1-3 ёшда - 2 мл дан; 4-6 ёшда – 2-2,5 мл дан; 7-14 ёшда ва ундан катталарга - 3-5 млдан) ёки натрий тиосульфатининг 30%, 10 мл эритмаси (оқ дермографизм): кунига 250 мг/кг ҳисобидан. Бундан ташқари, беморларга 355 мг гидролизланган лигнин ва 120 мг лактулозани ўз ичига олган энтеросорбент билан бирга маҳаллий даво сифатида таркибида 1 мг метилпреднизолон ацепонатни бўлган маҳаллий глюкокортикостероид (эмулсия, крем ёки малҳам шаклида) кунига 1-2 марта буюрилган. Сўнг, ўткир яллиғланиш жараёнлари қайтганидан сўнг, керамидли юмшатувчи восита (эмолиент) қўлланилган.


Иккинчи гуруҳ - асосий гуруҳи (АГ) анъанавий даво чоралари фониди куйидаги схемада холекальциферол шаклидаги Д витамини препарати қўлланилган 81 нафар бемордан иборат: 20-30 нг/мл бўлганда - кунига 2000 ХБ дан; 10-20 нг/мл бўлганда - кунига 3000 ХБ дан; 10 нг/млдан кам бўлганда - кунига 4000 ХБ дан. Даволаш курси якунлангандан сўнг болаларга Д витамини куйидаги профилактик дозаларда буюрилди: 1-6 ойлик ёшда - кунига 1000 ХБ дан; 6-12 ойлик ёшда - кунига 1000 ХБ дан; 12-36 ойлик ёшда

- кунига 1500 ХБ дан; 3 ёшдан катталарга - кунига 1000 ХБ дан. Даволаш ва профилактика курсининг давомийлиги 30 кунни ташкил этди.


Тавсия этилган терапия самарадорлигини баҳолаш учун маълумотлар динамикасига мувофиқ терапевтик таъсир индексидан (ТТИ) фойдаланилган (% билан ифодаланган ТТИ қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади: $TTI = ((A1-A2)/A1) \times 100\%$. Бунда, A1 – индекснинг дастлабки кўрсаткичи, A2-индекснинг даволанишдан кейинги кўрсаткичи. Қуйидаги даволаш натижалари ажратилган: ремиссия, сезиларли яхшиланиш, яхшиланиш, қониқарли ва таъсир қилмади.

Диссертациянинг «**Атопик дерматит билан хасталанган беморларнинг клиник тавсифи**» деб номланган учинчи бобида анамнестик, дерматологик, дерматоскопик текширувлар, индекслар (SCORAD ва БҲСДИ) бўйича аниқланган касалликнинг оғирлик даражаси, биокимёвий, иммунологик текширувлар бўйича маълумотлар келтирилган.

2019 - 2022 йиллар давомида АтД билан касалланган жами 126 нафар болалар назорат остида бўлган. Беморларни клиник текшириш ва кузатиш ишлари Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг дерматология бўлимида олиб борилган. Кузатилган 126 бемордан, 64 нафари ўғил болалар (50,8%) ва 62 нафари қизлар (49,2%) эканлиги аниқлаган (1-расм).




1-расм. Беморларнинг жинси бўйича тақсимланиши.



2-расм. Беморларнинг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши.

Беморларнинг ёши 3 ойдан 17 ёшгача бўлган. Кузатилган беморларнинг 35 нафари (27,8%) - 2 ойдан 1 ёшгача, 24 нафари (19%) - 1 ёшдан 3 ёшгача, 23 нафари (18,3%) - 3 ёшдан 6 ёшгача, 22 нафари (17,5%) - 6 ёшдан 9 ёшгача, 15 нафари (11,9%) 9 ёшдан 14 ёшгача ва 7 нафари (5,6%) 14 ёшдан 17 ёшгача бўлган беморлар эканлиги аниқланди. Беморларнинг ўртача ёши $6,2 \pm 0,4$ ёшни, ўғил болаларда – $4,66 \pm 0,5$ ёшни, қизларда – $8,01 \pm 0,7$ ёшни ташкил этган. Беморларнинг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши 2-расмда келтирилган.



3-расм. Беморларда касалликнинг бошланиш ёши

Беморларда касалликнинг бошланишини таҳлил қилганда, беморларнинг ярмида касаллик 6 ойлик ёшидан олдин бошланганлиги ва ёш ўтиши билан касалликнинг бошланиш частотаси камайганлиги аниқланди (3-расм). 3-расмдан кўриниб турибдики, 64 нафар (50,8%) беморда касаллик 6 ойлик ёшидан олдин, 26 нафарида (20,6%) – 6 ойдан 1 йилгача, 19 нафарида (15,1%) – 1 йилдан 3 йилгача, 9 нафарида (7,2%) – 3 ёшдан 6 ёшгача ва 8 нафарида (6,4%) - 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган даврда бошланган.

1-жадвал

Касалликнинг давомийлиги ва беморларнинг ёши бўйича нисбат


Беморнинг ёши	Касалликнинг давомийлиги			
	1 йилгача	1-3 йил	3-6 йил	6-14 йил
0-1 ёш	35 (100%)	0	0	0
1-3 ёш	8 (33,3%)	16 (66,7%)	0	0
3-6 ёш	4 (17,4%)	8 (34,8%)	11 (47,8%)	0
6-9 ёш	4 (18,2%)	5 (22,7%)	6 (27,3%)	7 (31,8%)
9-14 ёш	1 (6,7%)	3 (20%)	4 (26,7%)	7 (46,7%)
14-17 ёш	0	0	3 (42,8%)	4 (57,1%)

Беморларнинг қариндошлари ўртасида касалланиш ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатдики, 12 нафар (9,5%) беморнинг отаси, 15 нафар (11,9%) беморнинг онаси, 13 нафар (10,3%) беморнинг бобоси, 7 нафар (5,6%) беморнинг бувиси, 14 нафар (11,1%) беморнинг амакиси/тоғаси, 11 нафар (8,7%) беморнинг аммаси/холаси, 6 нафар (4,8%) беморнинг ака-укаси/опа-синглиси аллергия (атопик) касалликлардан азият чекиши аниқланган. 9 нафар (7,1%) болаларнинг отаси ёки онаси тарафидан узок қариндошларда касалланиш ҳолати мавжудлиги қайд этилган. 39 нафар (31,0%) беморда аллергия касалликлар бўйича ирсияти оғирлашмаганлиги аниқланган.

Жами 87 нафар (69,0%) беморларнинг ирсиятида аллергия (атопик) касалликларга мойиллик мавжудлиги аниқланган.

Касаллик мавсумийлигининг таҳлили шуни кўрсатдики, АтД билан касалланган 72 нафар (57,14%) беморда касалликнинг зўрайиши куз-қиш даврида, 23 нафар (18,25%) беморда - баҳор-ёз даврида ва атиги 31 нафар (24,6%) беморда касалликнинг зўрайиши мавсумга боғлиқ эмаслиги қайд этилди (4-расм).

Касалликнинг мавсумийлиги



4-расм. Беморларда АтДнинг мавсумийлиги

Атопик дерматит билан кузатилган 126 болалар орасида касалликнинг оғир даражаси (I гуруҳ) 18 нафар (14,3%) беморларда аниқланган бўлиб, SCORAD кўрсаткичининг ўртача қиймати $54,4 \pm 1,2$ ташкил этган. Улардан 3 нафари (2,4%) 1 ёшгача, 2 нафари (1,6%) – 1-3 ёшда, 1 нафари (0,8%) – 3-6 ёшда, 6 нафари (4,8%) – 6-9 ёшда ва 6 нафари (4,8%) 9-17 ёшда бўлган.

Теридаги патологик жараён тарқалган ёки диффуз характерга эга эди. Гўдаклик даври юз, думба, тана, оёқ ва қўл соҳалари терисида сезиларли даражада ўткир яллиғланиш ҳолатлари билан кечиб, юзасида сероз қобиклар кузатилган яллиғланиш ўчоқларида жойлашган яққол ифодаланган эритема, микровезикула ва фолликуляр тугунчалар билан ифодаланган.

Болалик ва ўсмирлик даврлари бирлашган кенг ва тарқоқ эритематоз-сквамоз ўчоқлар, юзаси геморрагик қобиклар қопланган оч пушти рангли фолликуляр ва лентикуляр тугунчалар, терининг яққол ифодаланган

куруклиги, тирналишлар ва ёриқлар билан намоён бўлади. Теридаги патологик жараён юз, бўйиннинг олд ва орқа ён томонлари, тана, қўл ва оёқлар терисида – қўл билагига, болдир, қўлларнинг орқа қисмида, тирсак ва тизза бурмалари соҳасида жойлашган. Беморларнинг териси кулранг, сочлари хиралашган, куруқ ва мўрт бўлиб, ушбу беморларда дермографизм барқарор оқ эди. Барча беморлар интенсив қичишиш ва безовталанишга шикоят қилар эдилар.

АтДнинг оғир шакли 1-1,5 ойгача давом этадиган қисқа ва тўлиқ бўлмаган ремиссия билан йилига 5 ёки ундан кўп учрайдиган касалликнинг зўрайиш ҳолатлари билан кечиши кузатилган.\

Мазкур гуруҳдаги 2 нафар болада АтДнинг экссудатив, 6 нафарида – эритематоз-сквамоз, 4 тасида – эритематоз-сквамоз лихенификацияга мойил, 4 тасида – лихеноид ва 2 тасида - пруритиноз клиник шакли аниқланган.

II гуруҳни теридаги жараённинг ўрта оғир даражаси кузатилган 92 та (73,0%) бемор ташкил этиб, уларнинг SCORAD индекси бўйича ўртача кўрсаткичи $36,9 \pm 0,5$ бўлган. Бунда, 1 ёшгача - 28 та (22,2%), 1-3 ёшдаги - 17 та (13,5%), 3-6 ёшдаги – 20 та (15,9%), 6-9 ёшдаги 14 (11,1%) ва 9-7 ёшдаги – 16 та (12,7%) бола назорат остида бўлган.

АтДнинг гўдаклик босқичида теридаги патологик жараёни юз, кўкрак, орқа, қўл ва оёқларнинг ёзувчи соҳаларида жойлашган бўлиб, пушти ёки тери рангида бўлган ва кенг тарқалган фолликуляр тугунчалар, папуловезикулалар, пуфакчалар, ўткир яллиғланиш белгилари билан намоён бўлган эритема, шиш, сувланиш, эритематоз-сквамоз ўчоқлар билан тавсифланган. Ушбу даврда қизил ёки аралаш дермографизм ҳамда терининг қичиши кузатилади.

Болалик даврининг клиник белгилари аниқ чегарасиз ва ликенификация ўчоқлари мавжуд бўлмаган инфильтрацияланган эритематоз-сквамоз ўчоқлар, пушти ва кўкимтир рангдаги тарқоқ фолликуляр ва лентиккуляр тугунчалар, терининг майда пластинкали қипиқланиши билан тавсифланган. Бунда, беморлар терисидаги яллиғланиш ўчоқлари жойлашувининг симметрияси қайд этилди. Теридаги патологик жараён асосан табиий бурмалар, бўйин, тана, қўл ва оёқларнинг букувчи соҳаларида жойлашган. Ушбу даврда беморларда оқ ёки аралаш дермографизм ва терининг қичиши кузатилди.

Касалликнинг ўсмирлик даврида теридаги патологик жараён юз, бўйин, тирсак ва тизза бурмалари, билак соҳаларида, сонларнинг ички юзасида жойлашган. Мазкур даврда пушти ва кўкимтир-пушти рангдаги тарқоқ яллиғланган тугунчалар, инфильтрация, лихенификация, эксориация ўчоқлари, бурмалар ва бармоқлардаги ёриқлар қайд этилган. Шунингдек, беморларда периорбитал соҳаларнинг гиперпигментацияси, орқа, қўлларнинг ёзувчи соҳаси, сон, болдирлар терисида яллиғланишдан кейинги тарқоқ гипер- ва гипопигментацияланган ўчоқлар, майда кепаксимон қипиқланиш билан бирга яққол ифодаланган терининг куруклиги қайд этилди. Беморларда барқарор оқ дермографизм ва терининг кучли қичиши кузатилди.

АтДнинг ўрта оғир шакли бўлган беморларда касалликнинг зўрайиш частотаси йилига 3-4 марта, ремиссия давомийлиги эса 2-3 ойни ташкил этди.

Кузатилган беморларда патологик жараён ўтказилган даврдан сўнг яққол бўлмаган таъсир билан доимий, торпид кечиш билан тавсифланган.

Ушбу гуруҳдаги 10 нафар (7,9%) беморда АтДнинг экссудатив, 74 нафарида (58,7%) - эритематоз-сквамоз, 10 нафарида (7,9%) - эритематоз-сквамоз ликенификацияга мойил, 1 нафарида (0,8%) – лихеноид клиник шакли аниқланган бўлиб, ушбу беморларда касалликнинг пруритиноз клиник шакли кузатилмаганлиги қайд этилди.

Касалликнинг энгил шакли бўлган беморлардан иборат III гуруҳни 13 нафар (10,3%) бемор болалар ташкил этиб, уларнинг SCORAD индекси бўйича ўртача кўрсаткичи $14,4 \pm 0,1$ бўлган. Бунда, 1 ёшгача - 4 та (3,1%), 1-3 ёшдаги - 5 та (3,9%), 3-6 ёшдаги – 2 та (1,6%) ва 6-9 ёшдаги 2 (1,6%) бола назорат остида бўлган.

2-жадвал.

Беморларнинг ёши ва АтДнинг клиник шакли бўйича тақсимланиши

Беморнинг ёши	АтДнинг клиник шакли				
	Э	Э-С	Э-С-Л	Л	П
1 ёшгача	10 (7,9%)	29 (23%)	0	0	0
1-3 ёш	5 (4,0%)	16 (12,7%)	0	0	0
3-6 ёш	1 (0,8%)	22 (17,5%)	0	0	1 (0,8%)
6-9 ёш	0	11 (8,7%)	8 (6,4%)	1 (0,8%)	0
9-14 ёш	0	8 (6,4%)	4 (3,2%)	3 (2,4%)	0
14-17 ёш	0	3 (2,4%)	2 (1,6%)	1 (0,8%)	1 (0,8%)
Жами	16 (12,7%)	89 (70,6%)	14 (11,1%)	5 (4,0%)	2 (1,6%)

Изоҳ: Э – экссудатив шакли; Э-С – эритематоз-сквамоз шакли; Э-С-Л – эритематоз-сквамоз ликенификацияга мойил шакли; Л – лихеноид шакли; П – пруритиноз шакли.

Кузатилган болаларда АтДнинг клиник кечиши теридаги патологик жараённинг чегараланганлиги билан тавсифланган. Патологик жараён асосан тирсак ва тизза бурмаларида, периорал соҳада жойлашган бўлиб, теридаги энгил эритематоз ва ликенификация ўчоқлари, майда тугунчалар, эксскориация ва майда пластинкали қипиқланишлар билан ифодаланган. Ушбу гуруҳдаги барча беморлар терисининг тошмалар соҳасида қичишиш кузатилган. АтДнинг энгил шакли бўлган беморларда касалликнинг зўрайиш частотаси йилига 1-2 марта, ремиссия давомийлиги 8-10 ойни ташкил этди.

Беморларнинг ёши ва АтДнинг клиник шакли бўйича тақсимланиши 2-жадвалда келтирилган бўлиб, бунда:

Касалликнинг экссудатив шакли жами 16 нафар (12,7%) беморда кузатилган бўлиб, шулардан 10 таси (7,9%) - 1 ёшгача, 5 таси (4,0%) – 1-3 ёшда, 1 таси (0,8%) – 3-6 ёшда эканлиги аниқланган.

Эритематоз-сквамоз шакли 89 нафар (70,6%) беморда кузатилган бўлиб, шулардан 29 таси (23,0%) - 1 ёшгача, 16 таси (12,7%) – 1-3 ёшда, 22 таси (17,5%) – 3-6 ёшда, 11 таси (8,7%) – 6-9 ёшда, 8 таси (6,4%) – 9-14 ёшда, 3 таси (2,4%) – 14-17 ёшда эканлиги аниқланган.

Эритематоз-сквамоз лихенификацияга мойил шакли 14 нафар (11,1%) беморда кузатилган бўлиб, шулардан 8 таси (6,4%) – 6-9 ёшда, 4 таси (3,2%) – 9-14 ёшда, 2 таси (1,6%) – 14-17 ёшда эканлиги аниқланган.

Лихеноид шакли 5 нафар (4,0%) беморда кузатилган бўлиб, шулардан 1 таси (0,8%) – 6-9 ёшда, 3 таси (2,4%) – 9-14 ёшда, 1 таси (0,8%) – 14-17 ёшда эканлиги аниқланган.

Пруригиноз шакли 2 нафар (1,6%) – 3 ва 16 яшар беморларда кузатилганлиги аниқланган.

Дерматокопия натижалари. Амалга оширилган дерматоскопия натижаларига кўра, АтД билан ҳасталанган бемор болалар терисидаги патологик жараёнлар ўрганилганда, теридаги белгилар касаллик учун ҳос бўлган тошма элементларига мувофиқ эканлиги аниқланди.

Бунда, энг кўп учрайдиган терининг тошма элементлари бўлиб: эритема/гиперемия, экскорация/тирналиш, перифоликуляр гиперемия фонда яллиғланган ёғ-соч фолликулалари, лихенизация/лихенификация билан кечаётган терининг тўрсимон дағаллашиши, қипиқланиш ва терининг қуруклиги, қатқалоқлар, экссудация/сувланиш, шунингдек, кўпгина болаларда тошмаларнинг асл ва сохта полиморфизми, папулалар, терининг шишиши, фолликуляр гиперкератоз қайд этилган. Ксероз, ёриқлар, ёғ-соч фолликулаларининг атрофияси, йирингли қатқалоқлар, сариқ гранулалар ва гиперкератоз каби элементлар камроқ кузатилганлиги аниқланди.

Ушбу тадқиқот натижасида клиник амалиётдаги ҳолатлар мисолида болаларда АтДда дерматоскопиянинг диагностик аҳамияти кўрсатилди. Мазкур терини ўрганишнинг объектив усули реал вақт режимида *in vivo* жонли равишда терининг тузилишини ўрганишга ва касалликнинг классик клиник шаклларига ҳос бўлган белгиларни тўлдиришга имкон беради. Дерматоскопия натижалари ва касалликнинг клиник белгиларини таққосланиши тиббий кўрик давомида олинган маълумотларнинг ишончлилигини оширади.

Шундай қилиб, болаларда АтДнинг эрта ташхисотини оптималлаштириш, теридаги патологик жараённи объектив баҳолаш, касаллик кечишини прогнозлаштириш, даволаш жараёни ва терапевтик самарадорлигини назорат қилиш учун дерматоскопиядан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Атопик дерматит билан ҳасталанган беморларнинг SCORAD индекси ва БҲСДИ бўйича клиник хусусиятлари. Беморларнинг SCORAD индекси кўрсаткичлари ўрганилганда мазкур индекс бўйича ўртача балл $37,4 \pm 0,9$ га тенг эканлиги аниқланди. Бироқ, ўрнатилган қоидаларга мувофиқ SCORAD индекс кўрсаткичлари бўйича АтД енгил (SCORAD < 20), ўрта оғир (SCORAD 20-40) ва оғир (SCORAD > 40) шаклларига ажратилади. Унга кўра 13 та беморда АтДнинг енгил (SCORAD - $14,4 \pm 0,1$), 92 та беморда – ўрта оғир (SCORAD - $36,9 \pm 0,5$) ва 18 та беморда – оғир (SCORAD - $54,4 \pm 1,2$) шакли аниқланган (3-жадвал).

Тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичида АтД билан ҳасталанган беморларнинг ҳаёт сифати болалар ҳаёт сифатининг дерматологик индекси

(БХСДИ) орқали таҳлил қилинди. Мазкур индекс қоидаларига мувофиқ БХСДИни фақатгина 4 ёшдан катта бўлган болаларда ўрганиш мумкин. Ўрганилган беморлар орасида 4 ёшдан катта бўлган 60 та бемор (4 тасида АтДнинг энгил, 44 тасида – ўрта оғир ва 12 тасида - оғир шакли) мавжуд эканлиги аниқланган. Беморларда БХСДИнинг ўртача балли $16,3 \pm 1,1$ га тенг эканлиги аниқланган бўлиб, беморларда АтД оғирлашган сари БХСД кўрсаткичлари ҳам ошгани қайд этилди: касалликнинг энгил шакли бўлагн беморларда - $6,9 \pm 1,7$ балл, ўрта оғир шакли бўлган беморларда - $16,6 \pm 1,2$ балл ва оғир шакли бўлган беморларда - $21,6 \pm 3,1$ балл (3-жадвал).

3-жадвал.

АтД билан ҳасталанган беморларда SCORAD индекси ва БХСДИ кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	АтД билан ҳасталанган беморлар, n=126				Назорат гуруҳи, n=20
	енгил, n=13	ўрта оғир, n=92	оғир, n=18	барча беморлар, n=126	
SCORAD индекси	$17,8 \pm 0,6^*$	$36,9 \pm 0,5^*$	$54,4 \pm 1,2^*$	$37,4 \pm 0,9^*$	$1,9 \pm 0,5$
БХСДИ (4-16 ёш)	$6,9 \pm 1,7^*$	$16,6 \pm 1,2^*$	$21,6 \pm 3,1^*$	$16,3 \pm 1,1^*$	$1,2 \pm 0,6$

Изоҳ: * - $p < 0,05$ беморлар ва назорат гуруҳининг кўрсаткичлари ўртасида.

Шундай қилиб, АтД билан ҳасталанган болаларнинг ҳаёт сифати ёмолашиши уларда SCORAD индекси бўйича касаллик оғирлашиши билан бевосита боғлиқдир.

Атопик дерматит билан ҳасталанган беморларнинг иммунологик ва Д витамини кўрсаткичлари. В-хужайрали иммунитет ёки иммуноглобулинлар (Ig) А, М ва G параметрларининг таҳлили ушбу кўрсаткичлар АтД билан ҳасталанган болаларда назорат гуруҳига нисбатан камайганини кўрсатди. Болаларда АтДда IgG ва IgA миқдорлари касалликнинг энгил шалидан оғир шаклига ўтган сари пасайиш тенденциясига эга эканлиги аниқланган. Бундан ташқари, касалликнинг энгил ва ўрта оғир шакли бўлган болаларда IgM, IgG ва IgA кўрсаткичлари ўртасида сезиларли фарқ қайд этилмаган.

Қолаверса, касалликнинг энгил, ўрта оғир ва оғир шакли бўлган болаларда IgM и IgG кўрсаткичлари ўртасида сезиларли фарқ кузатилмаганлиги аниқланган. Бироқ, мазкур кўрсаткичлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан сезиларли фарқланиши аниқланган. АтД билан ҳасталанган болаларда касалликнинг оғир шакли бўлган болалар гуруҳи ва назорат гуруҳининг IgA кўрсаткичлари ўртасида сезиларли фарқ ($p < 0,05$) қайд этилган (4-жадвал).

АтД билан ҳасталанган болаларда IgE миқдори назорат гуруҳига нисбатан юқориқроқ бўлганлиги ва касалликнинг энгил шаклидан оғир шаклига ўтган сари ушбу кўрсаткич кўтарилганлиги аниқланган. Бунда, назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан сезиларли фарқ ($p < 0,05$) фақатгина АтДнинг оғир шакли бўлган болаларда қайд этилган.

АтДнинг энгил шакли бўлган болаларда айланма иммун комплекслари (АИК) миқдорида назорат гуруҳидагиларнинг кўрсаткичларига нисбатан фарқ кузатилмаганлиги аниқланган. Бироқ, касалликнинг ўрта оғир ва оғир шакли бўлган болаларда АИК кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан юқорироқ бўлганлиги ва фақатгина АтДнинг оғир шакли бўлган беморларда АИК миқдори назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ($p < 0.05$) юқорироқ бўлганлиги қайд этилган.

Т-хужайрали иммунитет таҳлил қилинганда АтД билан ҳасталанган болаларнинг лимфоцитлар кўрсаткичларида (CD3, CD4 ва CD8) касалликнинг энгил шаклидан оғир шаклига ўтган сари пасайиш тенденцияси кузатилди. Бунда, АтДнинг энгил шакли бўлган беморларда ушбу кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада фарқланмаганлиги аниқланган. Касалликнинг ўрта оғир ва оғир шакли бўлган беморларда мазкур кўрсаткичларнинг назорат гуруҳига нисбатан сезиларли пасайиши ($p < 0.05$) кузатилган.

АтД билан ҳасталанган барча беморларда ИЛ-1, ИЛ-2, ИЛ-4, ИЛ-6, ИЛ-8 ва ИЛ-10 ларнинг цитокин профили ўрганилди. Олинган маълумотлар АтД билан ҳасталанган болаларда ИЛ-1, ИЛ-6, ИЛ-8 ва ИЛ-10 миқдорлари назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ($p < 0,05$) юқори бўлганлигини ва касалликнинг оғирлиги кучайиб бориши билан ошишини кўрсатган. АтД билан ҳасталанган болаларда ИЛ-2 кўрсаткичларида кузатилган ўзгаришлар кўп йўналишли характерга эга эди. Бунда, АтДнинг энгил шакли бўлган болаларда ИЛ-2 миқдори назорат гуруҳига нисбатан юқори бўлганлиги, ўрта оғир шакли бўлган беморларда назорат гуруҳи кўрсаткичларига мос ва оғир шакли бўлган беморларда назорат гуруҳига нисбатан паст бўлганлиги аниқланган. АтДнинг энгил шакли бўлган беморларнинг қон зардобидида ИЛ-4 миқдори (1,07 пг/мл) ўрта оғир (0,88 пг/мл) ва оғир (1,55 пг/мл) шаклларга нисбатан пасайгани, лекин бир-биридан сезиларли фарқланмаган.

АтД билан ҳасталанган болаларнинг иммунологик профилининг таҳлили касалликнинг ўрта оғир ва оғир шакллари бўлган болаларда CD3, CD4, CD8 лимфоцитлар ва IgA и IgG ларнинг миқдори сезиларли даражада пасайишини кўрсатди. Барча беморларда цитокинлар ҳамда касалликнинг оғир шакли бўлган беморларда АИК ва IgE миқдори назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ошгани аниқланган.

Барча АтДли беморларда ИЛ-4 даражаси назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада пасайгани қайд этилган. Касалликнинг энгил шакли бўлган беморларда ИЛ-2 миқдори назорат гуруҳига нисбатан юқори, шакли бўлган беморларда назорат гуруҳига нисбатан паст эканлиги аниқланган.

Олинган маълумотлар беморларнинг иммун тизимида маҳаллий ва тизимли характердаги бузилишлар, терида, айниқса касалликнинг оғир шаклида, яллиғланиш жараёни ва аллергияция ривожланиши билан кечадиган тизимли бузилишлар мавжудлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, АтД билан ҳасталанган болаларда маҳаллий ва тизимли иммунитетда бузилишлар кузатилиб, касалликнинг оғир шаклида мазкур кўрсаткичлар ёмонлашиши аниқланган.

